






Лойиҳа вазифалари


 Юқори антропоген юк ва бўш ерларнинг етишмаслиги шароитида биологик хилма-хилликнинг қолган фаол нуқталарини сақлаб қолиш учун энг мақбул ечим — мақомни кўтариш ва мавжуд ОПТни кенгайтириш имкониятларини кўриб чиқиш.


 Ҳашаротлар ва судралиб юрвчиларнинг ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган турларини ҳозирги ҳолатини баҳолашга қаратилган тадқиқотларни олиб бориш.

 Эндемик турларнинг тарихий тарқалишини таҳлил қилиш, популяцияларнинг ҳозирги ҳолати ва ландшафт ўзгариши билан таққослаш.

 Фундаментал тадқиқотлар ўтказиш учун халқаро зоология мутахассисларини жалб қилиш.

 Маҳаллий аҳоли ва манфаатдор томонлар ўртасида экологик таълим ишларини олиб бориш.

 Минтақанинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўсимлик ва ҳайвон турларининг эндемик хилма-хиллигини сақлаш бўйича комплекс дастур ишлаб чиқиш.

 Маҳаллий аҳоли учун ҳам, чет эллик меҳмонлар учун ҳам минтақада экологик туризмни ривожлантириш имкониятларини кўриб чиқиш.

Контактлар

Абдураупов Тимур, лойиҳа раҳбари, герпетолог, маҳаллий эксперт: timur.abduraupov@gmail.com

Грицина Мария, лойиҳа координатори, териолог, маҳаллий эксперт: mgritsina@gmail.com

Мун Юрий, лойиҳа координатори: yuriym83@gmail.com

Назаров Роман, герпетолог, халқаро эксперт: r_nazarov@mail.ru

Мурзаханов Рустам, Михаэль Зукков Фондининг Ўзбекистондаги координатори: rustam.murzakanov@succow-stiftung.de

Адилова Динара, PR-менеджер: 4dinaa@gmail.com

Лойиҳа янгиликлари Wildlife of Uzbekistan саҳифаларида чоп этилади

- Facebook рус тилида ([facebook.com/wildlifeuzb](https://www.facebook.com/wildlifeuzb))
- Facebook-группа рус тилида ([facebook.com/groups/293848307338903](https://www.facebook.com/groups/293848307338903))
- Instagram рус тилида ([instagram.com/wildlifeuzb](https://www.instagram.com/wildlifeuzb))
- Telegram ўзбек тилида (t.me/wildlifeuzb)

хэштеглар билан [#yozyovon](#) [#fargonachollari](#) [#ferghanasands](#)
[#yazyavansands](#) [#akkumsands](#) [#пескиферганскойдолины](#)



© Тимур Абдураупов



© Тимур Абдураупов

Михаэль Зукков фондининг лойиҳаси.

WWF ва CEPF (Critical Ecosystem Partnership Fund), Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экология давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Зоология институти кўмагида амалга оширилмоқда.



© Мария Грицина

CRITICAL ECOSYSTEM PARTNERSHIP FUND



Succow Stiftung



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ZOOLOGIYA INSTITUTI

WWF Russia serves as CEPF's regional implementation team for the Mountains of Central Asia Biodiversity Hotspot.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ
МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ



© Елена Бикова

Фарғона водийсидаги асосий табиий комплексларни сақлаш

Биз сўнги 150 йил ичида турларнинг йўқ бўлиб кетиш тезлиги сезиларли даражада ошган даврида яшаймиз. Асосий сабаб бўлган одамларнинг фаолияти туфайли, ҳайвонлар, ўсимликлар ва микро-организмларнинг йўқ бўлиб кетиши масштаби шу қадар каттаки, кейинги 50 йил ичида Ерда мавжуд бўлган турларнинг тўртдан бирини йўқ қилиши мумкин. Дунё фаунаси учун бир қатор турларни йўқотиш хавфи Ўзбекистонда аҳоли зич яшайдиган Фарғона водийсида пайдо бўлди.

Лойиҳа ҳудуди ҳақида


Фарғона водийси — қадимий табиий изоляция бўлиб, унда ноёб ўсимлик ва ҳайвонот дунёси юқори даражадаги **эндемизм** билан шаклланган. Фарғона водийсининг нисбатан кичик майдонида бир неча ўнлаб эндемик ўсимликлар турлари, ҳашаротларнинг 9 тури ва судралиб юривчиларнинг 5 тури маълум, агар бу ҳудуд инсонлар томонидан эгаллаб олинса, юқоридаги турлар дунё фаунасига қайтариб бўлмайдиган ҳолда йўқолиб кетиши мумкин.

Балиқ
хўжалиқларини
қуриш орқали ҳудуд
ўзлаштирилиши

Фарғона водийси Ўзбекистон Республикасининг аҳоли энг зич жойлашган ҳудуди бўлганлиги сабабли, илгари яроқсиз деб ҳисобланган янги ҳудудлар фаол тарзда қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилинмоқда, бу эса ноёб ўсимлик ва ҳайвон турларининг яшаш жойлари қисқаришига олиб келади. «Фарғона водийсидаги асосий табиий комплексларни сақлаш» бўйича лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг Наманган ва Фарғона вилоятлари ҳудудида — Оққум, Қайрақум қумларида, Курамин ва Олой тизмаларининг адирларида ва Сирдарё дарёси бўйида амалга оширилади.

Фарғона водийси ҳудудида юқори даражада муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар мавжуд эмас. МЭТҲлар табиий ёдгорликлар билан ифодаланади, улардан бири КВА №UZB014 (**Key Biodiversity Area — биохилма-хиллик учун муҳим бўлган ҳудуд**) «Ёзёвон Қумлари» ва «Мингбулоқ» каби иккита давлат табиий ёдгорликларини ўз ичига олган «Оққум қумлари» ҳудуди ҳисобланади.

Лойиҳанинг
географик
қамрови



Сақлаб қолиш зарурати

Эндемик судралиб юривчилар орасида барча 5та тур «хавф зонаси»-га киради. Бу турни сақлаб олишнинг алоҳида аҳамияти шундаки, улар фақат Фарғона водийсида яшайдилар.



© Тимур Абдураулов
Саид-Алиев тақир тўгаракбоши
Phrynocephalus helioscopus saidalievi
(Sattorov, 1981)



© Вячеслав Юсупов
Штраух тўгаракбоши
Phrynocephalus strauchi
(Nikolsky, 1899)



© Тимур Абдураулов
Фарғона қум калтакесаги
Eremias scripta pherganensis
(Szczerbak et Washetko, 1973)



© Тимур Абдураулов
Рустамов сцинк геккони
Teratascincus rustamowii
(Szczerbak, 1979)



© Тимур Абдураулов
Қалқонли гекконча
Alsophylax loricatus
(Strauch, 1887)

Ҳашаротлар-эндемиклар

Ажриқхўр кармин берувчи қурт
Porphyrophora cynodontis (Archangelskaja, 1935)

Аччиқмияхўр кармин берувчи қурт
Porphyrophora sophorae (Archangelskaja, 1935)

Федченко йиртқиқчаси
Reduvius fedtschenkianus (Oshanin, 1871)

Богданов йиртқиқчаси
Stenolemus bogdanovi (Oshanin, 1896)

Галатая
Cicindela galatea (Theime, 1881)

Туркистон скарити
Scarites turkestanicus (Heyden, 1884)

Фарғона кескири
Lethrus bispinus (B. Jakovlev, 1899)

Фарғона олақаноти
Zygaena ferganae (Sheljuzhko, 1941)

Акрея катакулқаноти
Melitaea acraeina (Staudinger, 1886)

Лойиҳанинг мақсади: Фарғона водийсининг концентрациясининг асосий йўналишларида эндемик биологик хилма-хиллигини сақлаб қолиш учун атроф-муҳитни муҳофаза қилиш чораларини ишлаб чиқиш.